kóterilgenin ayqın dálilledi. Sonıń menen birge teatr aktyorlarınıń dóretiwshiligi professional dárejege kóterilgenin de ayqın sıpatlap, qala berse pútkil teatr jámáátiniń de jemisli, tıńǵılıqtı miynet etkenin dáliyllep turıptı. Teatr bul opera arqalı akademiyalıq teatr degen atqa múnásip miynet etken.

Ádebiyatlar

1. B.Sayfullaev, T.Bayandiev. “Qaraqalpaq teatrı tariyxı” T. “Fan ziyosi”. 2023.
2. K.Sultanov. «Ajiniyaz». Roman. “Qaraqalpaqstan” N.1978.

REZYUME. Qaraqalpaq xalqınıń ullı shayırı, ataqlı sóz zergeri Ájiniyaz Qosıbay ulınıń tuwılǵanınıń 200 jıllıq torqalı merekesi YUNESKO qararı menen xalıqaralıq kólemde belgileniwiniń ózi shayır dóretiwshiliginiń klassik dárejede ekenliginen derek beredi. Usı múnásibet penen Berdaq atındaǵı qaraqalpaq mámleketlik akademiyalıq muzıkalı teatrı N.Muxammetdinovtıń «Ájiniyaz» operasın araǵa 37 jıl salıp qayta saxnalastırdı.

РЕЗЮМЕ. Проведение на международном уровне по случаю 200-летия со дня рождения великого поэта Каракалпакского народа, выдающегося мастера слова Ажинияза Косибай оглы по решению ЮНЕСКО свидетельствует о глубокой и классической направленности творчества поэта. В связи с этим недавно на сцене Каракалпакского государственного академического музыкального театра имени Бердаха спустя 37 лет заново поставлена опера композитора Н.Мухаммеддинова «Ажинияз».

SUMMARY. On the occasion of the 200th anniversary of the birth of the great poet of the Karakalpak people, the famous master of words Ajiniyoz Kasiboy olili, the determination of the international level on the basis of the UNESCO Decision testifies to how thoughtful and classical the poet's work is. In this regard, the composer N. in the sakhnasin of the Karakalpak state academic musical theater named after Berdaq recently.Mukhammeddinov's opera «Ajiniyoz» was recast after 37 years.

БУГУНГИ МАВЗУ ВА МУАММОНИ ЎЗИДА АКС ЭТТИРГАН КОМЕДИЯ

Ажинияз Исмайлов - *ўқитувчи*
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали

Таянч сўзлар: театр, драматург, актёр, режиссёр, спектакль, ижодкор, репертуар, декорация.
Ключевые слова: театр, драматург, актер, режиссер, спектакль, создатель, репертуар, декорации.
Key words: theater, playwright, actor, director, performance, creator, repertoire, scenery.

Бугунги кунда ўзининг драма ва комедиялари билан театрларимиз саҳнасини безаб келаётган қалам устаси, драматург Қўчқор Норқобилнинг бу комедияси режиссёр Умирбек Бектурғановнинг эътиборини ўзининг мавзуси яъни, бугуннинг муаммосига айланиб улгурган ҳолат - виртуал оламга тушиб қолганлар ва уларнинг тақдирига боғлиқ воқеалар оқими билан тортган бўлса ажаб эмас. Комедияда информацион технологияларнинг шиддат билан ривожланиши натижасида китоб мутолаа қилишнинг қолиб кетаётганлиги жиддий муаммо сифатида эътиборга олинади ва бунга тегишли чоралар кўрилади. Бугунги кунда ижтимоий тармоқнинг кўринмас тўрига нафақат ёш авлод, балки, айрим ёши катталарнинг ҳам илингани ҳақиқат. Буни ҳеч ким инкор эта олмаса керак. Шу каби муаммоларни олиб чиққан комедия “Уйдаги гап кўчада” номи билан Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри саҳнасида жонланди.

Парда кўтарилиб, чироқлар секин ёришар экан, саҳнада бугунги кунда кенг кўламли оммани ўзида йиға олган “Tiktok”, “Instagram” каби ижтимоий тармоқларнинг логотипи туширилган декорациялар саҳнага чиқа бошлайди. Бу ҳол эса персонажларнинг бу тармоқларда фаоллигини кўрсатарди.

Кичик қишлоқ одамларининг бу ҳолини кўрган мактаб ўқитувчиси -Лазиз чора кўришни ўйлайди ва китобхонлик мусобақасини ташкиллаштиради. Шу орқали одамларнинг турмуш тарзини ижобий томонга ўзгартиришга қарор қилади. Муаллим кутган натижа бирданига юз бермасада, Лазиз бу қарордан воз кечмай, уни такомиллаштириб боради. Яъни, ғолиб оилага республиканинг

энг таниқли шаҳарларига бепул саёҳат борлигини маълум қилади. Тез орада қишлоқ аҳлининг ҳаёт тарзи ўзгариб кетади. Ҳар бир оиланинг ҳар бир аъзосининг қўлидан китоб тушмай қолади. Бу ҳол бироз ишончсизроқ кўриниши табиий. Лекин режиссёр буни персонажларнинг кулгили ҳолатлари билан кўрсатиб берган. Қўшнилар мусобақада ютиш ва бош совринни олиш учун бир-бирларидан китобни яшириб ўқий бошлайди. Гуёки ўзларини китоб ўқимаётгандек, ҳали ҳам телефон билан дўстдек тутишади. Спектакль сўнгида Тоҳирнинг кенжа ўғли Эркабой китобхонлик мусобоқасида ютуқни қўлга киритади. Воқеалар давомида бир неча характерларнинг ўзгарганига гувоҳ бўламиз. Спектакль бошида Тоҳирнинг оиласидагилар виртуал оламда яшаётган эди. Муаллимнинг тадбири натижасида оила соғлом ҳаёт тарзига қайтди ва уларнинг характери ҳам ижобий томонга ўзгарди. Мактаб ўқувчиси Эркабой ҳам китоб билан дўстлашиб олади.

Комедия мавзуси бугунги кун муаммосини олиб чиққани билан эътиборли. Лекин комедия номи билан мавзу ва ғоянинг нима боғлиқлиги бор, деган савол ҳам пайдо бўлиши мумкин. Комедияни кўришга келган томошабин унинг номидан уйдаги гапни кўчага ташувчи келинлар ёки қайноналар ҳақида деб ўйлашлари ҳам табиий. Уйдаги майда гап ва машмашаларнинг телефон, ижтимоий тармоқлар орқали оммага чиқиб кетиши комедиянинг “Уйдаги гап кўчада” дея номланишига сабаб бўлган, назаримизда.

Буюк файласуф Аристотелнинг “Поэтика” асарида “Аслида, кулгули нарса – бу ҳеч кимнинг дилини оғритмайдиган ва ҳеч кимга зарар келтирмайдиган баъзи бир нуқсон ва мажруқликдир” дейилади. Комедияда китобхонликни тарғиб қилиш олий мақсад ва бош ғоя бўлсада, персонажларнинг характерига таалуқли енгил кулгуга қурилган саҳналар ҳам мавжуд. Масалан Саида образи – (Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист К.Шамуратова) эшитган янгилигини яна бировга етказмаса чидаб тура олмайдиган ғийбатчи хотиннинг сўнгги янгиликларни иссиқлигида телефонда етказиб туриши каби саҳналар, шунингдек, Тоҳир (Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Ж.Абдимов) ва Ҳамид (актёр С.Арзиев) бир-бири билан қанча тортишиб урушса да, лекин, уларни қўмғондаги оқ чой тотув қилиб қуйиши, Али (актёр Р.Уразбаев)нинг рус хотин Олгани уйига олиб келиши, қўшнилари Ҳамид ва Тоҳирга таништириш саҳналари томошабинда эрксиз кулгу пайдо этади.

Комедия персонажларининг босим кўпчилиги ёши катталар бўлгани учун спектакльда театрнинг тажрибали, устоз даражасидаги актёр-актрисалар рол ижро этишган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лиза Халқназарова, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артистлар Жигербай Абдимов, Клара Шамуратова, шунингдек, маҳоратли ижрочилар Рустем Уразбаев, Қирмизи Кобесова, Саламат Арзиевлар ўз ролларини маромига етказиб ўйнаган. Уларнинг бой тажрибаси билан персонажларнинг характери ёрқин намоён бўлган.

Бу ҳаётда турли одамлар ва уларнинг турли-туман характерлари бор. Буюк файласуф Арасту “Бизга одамларнинг қандайлиги муҳим эмас, қандай бўлиши кераклиги муҳим” деган қарашларни олға суради. Яъни, ижодкор асар яратар экан, унда одамларнинг қандай эканлигини кўрсатиб беришдан кўра, қандай бўлиши кераклигини кўрсатиш муҳимроқдир. Сўз юритилаётган комедияда персонажлар ўзларининг кулгули ҳаракатларини намоён қилиши билан бирга спектакль сўнггида характерлар ижобий томонга ўзгариб, намуна бўла оладиган инсонларга айланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. –Т.: “Янги аср авлоди”, 2012.
2. Қ.Норқобил. “Уйдаги гап кўчада” пьеса.

РЕЗЮМЕ. Мақола Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театрида саҳналаштирилган Қ.Норқобилнинг «Уйдаги гап кўчада» номли комедиясининг талқини, спектаклнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида.

РЕЗЮМЕ. Статья посвящена интерпретации комедии К.Норкобила «Слово на улице», поставленной в Каракалпакском государственном театре юного зрителя, достижениям и недостаткам спектакля.

SUMMARY. The article is devoted to the interpretation of K. Norkobil's comedy "The Word on the Street," staged at the Karakalpak State Theater for Young Spectators, the achievements and shortcomings of the performance.

SESTIŃ PÁNDE QÁLIPLESIW BASQÍSHLARÍ

Kurbaniyazov Rufat Karamatdin ulı – *oqıtıwshı*
Ózbekstan mámleketlik kórkem óner hám mádeniyat institutı Nókis filialı

Tayanısh sózler: ses, muzıka, garmonika, muzıkalı sesler, sózli sesler, shawqımlı sesler.
Ключевые слова: голос, музыка, гармония, музыкальные чувства, словесные чувства, звуковые чувства.
Key words: the voice, the music, the harmony, the musical senses, the verbal senses, the sound senses.

Ses dep qandayda bir deneniń ekinshi denege urılıwı nátiyjesinde arnawlı bir boslıqta hawa terbelisleri nátiyjesinde payda bolatuǵın proceske aytıladı. Ses tolqınları hawada perpendikulyar háreket etedi. Tolqın tarqalıp atırǵan maydan ses mákanı dep ataladı. Tolqınnıń uzınlıǵı ses baslanıp onıń aqırına shekem sóniwine baylanıslı. Sestıń bálentligin tolqınnıń amplitudası belgilep beredi. Amplituda - bul tolqınnıń úlken yamasa kishiligin belgilep beretuǵın termin. Ses tembrin jiyiliklerdiń háreketi belgilep beredi. Jiyilik (terbelis) bul - ses shayqalıwı nátiyjesinde payda bolǵan jiyiliklerrdiń tezligin belgileytuǵın termin. Ses tezligi tınısh normal hawada, arnawlı bir sharayatta 340 m/s (metr/sekund) tezlikte háreketlenedi. Sestiń bul ózgeshelikleri normal atmosfera basımı bar orında payda boladı yaǵnıy 740 - 760 mm sınap (rtut) ústini. Ses dawamlılıǵı 3 tiykarǵı háreket penen belgilenedi:

1. Sestiń baslanıwı bul - 0 den baslap belgili bir biyiklikke eriskenge shekem bolǵan aralıq. Bul aralıq qanshelli uzın bolsa attack sonshellı úlken boladı hám kerisinshe qanshelli kem bolsa attack sonshellı kem boladı.

2. Ses dawam etiw waqtı dep, onıń belgili bir biyiklikte arnawlı turǵan waqtına aytıladı, yaǵnıy ses baslanıwı menen onıń sóniw noqatına shekem bolǵan aralıqtı quraydı, bul aralıq qanshelli uzın bolsa, decay da sonshelli uzın boladı.

3. Ses sóniwi tolqın tarqalıwınıń aqırın belgileydi, ses qanshelli áste sónse (release), ol sonshelli kóp boladı hám kerisinshe.

Filosof Fridrix fon Shelling jazǵanınday: Eger muzlatılǵan muzıkaday zat bolǵanında (yamasa basqa muzlatılǵan ses), bul basım bolar edi. Bul da qulaqqa jaǵımsız boladı, insan basımdı ses sıyaqlı seze almaydı. Biz esitsip atırǵan basımdaǵı ózgeris basımı emes. Eger basım qısqa waqıt ishinde ózgermese biz hesh nárse esitpeymiz.

Bul júdá ápiwayı jaǵday: bul baraban oraması, insan sesti, gromkogovoritel
konusı yamasa ol bul zattıń shawqımı arqa aldına vibraciya qılsa, onıń ústki bólegi bizdi háreketlendiredi, hám hawadaǵı molekulalardı birge qısadı.

Ses garmonikaları áne sol sestiń sapasın belgilep beredi, belgili bir orında payda bolǵan ses hár tárepke tarqala baslaydı hám olar belgili uzınlıqqa iye boladı. Bul tolqınlardan eń qattısı hám eń uzını 1- tiykarǵı ses dep ataladı, onnan kishiregi 2-garmonika, onnan keyingisi 3-, 4-, 5- hám taǵı basqa garmonikalar dep ataladı. Ses bálentligi insan esitip atırǵan sestiń eń kem ózgeriwine baylanıslı. Sestiń eń kem ózgeriwi matematikalıq tilde 100 eseni quraydı, insan qulaǵı esitetuǵın ses bálentliginiń eń minimal ózgeriwi 1 bellge teń. Bunday ózgerisler sanı júdá úlken sanlardı payda etkeni ushın, 10 belldi birlestirip belgilew qabıl etilgen, bul 1 detsibell (db) degeni.

Bul háreket bir molekuladan ekinshisine urılıw esabına ses jolın payda etedi.
Tap billiyard sharları sıyaqlı: hárbir molekula basqa bir molekulan ı jıljıtıp shıǵadı, biraq olar bir tegislikte bolıwı shárt emes. Aqır-aqıbette, molekulyar dúgilisiwi sestı hawadan biziń qulaqlarımızǵa shekem jetkeredi. Birdey hawa molekulaları basqa molekulalarǵa salıstırǵanda vibratsiyanı jaqsılaw keltiredi. Sol sebepli de kino qaharmanlar bólek bir sesti esitiw ushın temir jol relslerine qulaq saladı, sebebi, temir sestı júdá jaqsı ótkeredi. Sesler óz klassifikasiyasına qaray 3 túrge bólinedi:
1. Muzıkalı sesler.
2. Sózli sesler.
3. Shawqımlı sesler.